# ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ —

## меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи

## 45 МИНГДАН ОРТИҚ ХОНАДОН

### газ ҳисоблаш ускуналари билан таъминланди

Ўтган йили ишга туширилган «Шўртангазкимё» мажмуаси республикамиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Гигант корхонада кўп миллатли кишилар ҳамкору ҳамжиҳатликда ишламоқдалар. Қисқа вақт ичида бу ерда ўзига хос анъана шаклланди. Қишлоқ йигитлари муқим ишли, керакли касб эгаси бўлишди.

Ҳур Ўзбекистонимизда мавжуд табиий газнинг асосий қисми Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Натижалар чаккимас. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2004 йилларда уй-жой фондини газ ҳисоблаш ускуналари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида 45 мингдан ортиқ хонадонга ҳисоблаш ускуналари ўрнатилди. Бу йиллик режа 107,7 фоизга бажарилди деганидир. Қувончлиси шуки, эндиликда олис қишлоқларга ҳам зангори олов етиб борди. Одамлар ўтин йиғиш, ғўзапоя ғамлаш ташвишидан қутилдилар. 381 километрга яқин газ қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлса, бу рақам йил охирида 409,5 километрни ташкил этди. Вилоятдаги 46 та қишлоқ табиий газдан эндиликда тўла баҳраманд бўлмоқда. Умуман олганда, газлаштириш даражаси қишлоқларда 60 фоизни, шаҳарларда эса 98,6 фоизни ташкил этмоқда. Тоғли ва тоғолди қишлоқлари аҳолиси ҳам суюлтирилган газдан фойдаланаётганликлари барчани хушнуд этмоқда. Биз меҳнаткашлар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатаётган муҳтарам Президентимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз. Қарс икки қўлдан деганларидек, садоқатимизни амалда намойиш этиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун омилкорлик, ташаббус кўрсатиб ишлаймиз.

**И.СУЛТОНОВ,**
**ишчи.**





Косон касб-ҳунар коллежида асосан компьютер йўналиши бўйича сабоқ берилади. Мустақиллик иншооти ҳисобланган мазкур билим масканида айни пайтда 360 нафарга яқин талаба ўнта йўналиш бўйича таълим олишмоқда.

– Коллежимизда ўқувчи-ёшларни замон талаблари даражасида билим ва малака олишлари, ўзлари ёқтирган касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари учун барча шароитлар мавжуд. Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз, - дейди коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси Г.Мирзақулова

**Ш.СУЛТОНОВ**
**олган суратлар.**

*Муаммо ечими нимада?*

***Қишлоғимизда ҳар томчи сув ҳисобда. Аҳоли биринчи навбатда сув муаммосини ҳал қилиш учун эрта тонгдан ҳаракатга тушади. Яширмайман, бунинг учун шахсий машиналар, тракторлар ишга солинади. Қарши-Муборак шох йўли ёқалаб ўтувчи сув қувури ёни ҳамиша гавжум. Шундай бўлса-да, аввало биз - нуронийлар, қолаверса, ёшлар яқин вақт ичида бу муаммо ҳал этилишига ишониб яшамоқдамиз.***

## ОРЗУ ИЛА ЯШАЙДИ ИНСОН

Илгари бу ерда туппа-тузук водопровод тармоқлари ишлаб турарди. Эътиборсизлик, ўзибўларчилик оқибатида қувурлар ишдан чиқди. Бу ичимлик суви муаммосини юзага келтирди.

Муҳтарам Президентимизнинг аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони чиққанига анча бўлди. Бу орада кўпдан-кўп хайрли ва савобли ишлар амалга оширилди. Аммо ҳамон сув муаммоси ўз ечимини топганича йўқ. Қаерда ҳақиқий инсонлардек яшаш, ишлаш учун шароит бўлмас экан, рағбат бўлмайди. Мутасаддилар қишлоқдошларим фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, ичимлик суви муаммосини ҳал этсалар, айни муддао бўлур эди. Бунинг учун тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар имкониятидан унумли фойдаланиш даркор. Умуман ижтимоий ҳимоя масаласи раҳбару мутахассислар, касаба уюшмалари фаолиятининг бош мезони бўлиб қолмоғи лозим.

Қишли, қировли кунларда мактаб ўқувчиларининг қийналишаётганини кўриб, ўзимни қаерга қўйишга жой тополмайман. Сабаби, қишда тизза бўйи лой, баҳорда эса чанг ва тупроқ кўчалардан мактабга бораётган болажонларга ачинмай бўладими?! Қишлоқларимиздаги Улуғбек номли мактаб шифтларидан ёмғир ёққанда чакки ўта бошлайди. Боз устига, синф хоналари совуқ. Йигит ва қизлар пальтоларини ечмай, дийдираб ўтиришганини кўриб, кўнгил анча хижил бўлади. Обод маҳалла йилида меҳру оқибат, зарур бўлган пайтда бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Одамлар энди сўздан амалий ишлар, саъй-ҳаракатларни кутишмоқда.

**Нормамат РАҲМАТОВ,**
**Муборак туманидаги «Хитой» жамоа ширкат хўжалиги аъзоси.**

## КУТМАЙЛИК, ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

«Пўлати» - Косон туманидаги аҳолиси зич жойлашган қишлоқлардан бири. У асл миришкорлар, ҳунармандлар маскани. Кузакда ташриф буюрсангиз, сархил неъматларни кўриб ҳайратланасиз. Пўлатиликлар бир неча йил аввал табиий газ ва ичимлик суви қувурларини тортиш учун хайрли тадбирларга бел боғлаганда қанчалик қувонишганди. Бироқ, хўжалик раҳбарларининг кетма-кет алмашиши, омма етакчиларининг бозор шароитида ишлаш, муаммоларни ҳал этишга имкон берувчи комили қудратга эга эмасликлари оқибатида яхши ният билан бошланган ишлар чала қолди.

Қишлоқнинг етти жойида артезиан қудуқлари қазилиб, сув чиқарилган. Аҳоли шу сувдан фойдаланяпти. Таъкидлаш жоиз, бозор шароитида ҳар бир инсон нимандир кутмай, ўзи дадил ҳаракат қилиши керак. Ахир, бизнинг муаммомизни четдан биров келиб, ҳал қилиб бермайди. Президентимиз ҳаётбахш Фармонлари шарофати ила қанчадан-қанча қишлоқлар обод бўлди, газ ва сув билан тўла таъминланди. 2003 йил - Обод маҳалла йилида биз - пўлатиликларнинг ҳам орзуси рўёбга чиқса ажабмас.

**Кўчарбобо**
**ҚЎЗИБОЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**

*Бандлик дастури амалда*

## «УСТО - ШОГИРД»

### усули асосида касб-ҳунар ўрганиш

***Бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларини тўғри тақсимлаш аҳоли бандлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Вилоят бўйича таҳлил қилганда 2003 йил 1 январ ҳолатига аҳоли сони 1472.3 минг кишини ташкил қилиб, бир йил мобайнида меҳнат ресурслари 8305 кишига кўпайганлиги маълум бўлди.***

2002 йил давомида шаҳар ва туман меҳнат органларига 19399 нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 65.1 фоизи (12628 нафари) ёшларни ташкил этади.

Вилоят меҳнат органлари томонидан йил давомида 13982 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Ишга жойлаштирилганларнинг 64.9 фоизини (90743 нафар) ёшлар ва 49.3 фоизини (6888 нафар) аёллар ташкил қилмоқда.

Меҳнат органлари фаолиятида 2002 йил ҳисобот даврида меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинганларнинг 3696 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2002 йил 16 мартдаги 27-сонли қарори билан «Бандлик-2002» дастурига асосан истиқболда 24056 та янги иш ўринлари кўрсатилган, ҳақиқатда 2002 йил давомида 28291 та янги иш ўринлари яратилиб, «Бандлик-2002» дастурининг топшириқлари вилоят бўйича жами 117.6 фоизга бажарилди.

Янги иш ўринлари яратилишининг тармоқлар бўйича кўрсаткичлари қуйидагича;

Янги корхоналарни барпо этиш йўли билан 634 та,

Мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ҳисобидан 1472 та

Кичик ва хусусий корхоналарни очиш ҳисобидан 14140 та;

Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти кўрсатувчилар сонини кўпайтириш ҳисобидан 2536 та;

Янги фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш ҳамда мавжудларини кўпайтириш ҳисобидан 9509 та;

Жами яратилган иш ўринларининг асосий қисми ёки 92.4 фоизи нодавлат сектори, асосан кичик ва хусусий корхоналар томонидан яратилган.

2002 йил давомида вилоят меҳнат органлари томонидан 1631 нафар ишсиз фуқаролар турли касблар бўйича «Усто-шогирд» усули асосида касб-ҳунар ўрганишга йўлланган. Касбга йўлланганларнинг 1403 нафарини (86.0) хотин-қизлар, 1549 нафарини (95 фоиз) ёшлар ташкил қилмоқда. Касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармасидан жами 32138.3 минг сўм маблағ ҳаражат қилинди.

Ишга жойлаштириш йўналишларидан яна бири ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш ҳисобланиб, меҳнат бўлимлари 2002 йил давомида 216 та корхона,ташкилот , хўжаликлар билан шартномалар тузиб, 2078 нафар ишсиз вақтинчалик ишларга юборилди. Жамоат ишларини ташкил қилиш учун иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармасидан 18570.2 минг сўм ҳаражат қилинди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 7- моддасига кўра корхона, ташкилот, муассасалар иш билан таъминлашга доир давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этиб, ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларини барпо этишлари лозим. Йил давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг қарорлари асосида вилоятдаги корхона ва ташкилотларда квота асосида 4995 та махсус иш жойи ажратилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 5336 (106.8 фоиз) та иш жойлари ажратилганлиги айни муддао бўлди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиниши имкониятларини кенгайтириш мақсадида вилоятда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ишига алоҳида эътибор берилди. Шаҳар ва туман меҳнат органлари, ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган жадвал асосида 99 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил қилинди. Ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 2359 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 10383 та бўш иш жойи (вакант) ўринлари билан иштирок этдилар. Айниқса, Бухоро шаҳар, Жондор, Бухоро, Пешку туман меҳнат бўлимлари томонидан ярмаркаларни ўтказишда ибратли ишлари амалга оширилган.

Мазкур ярмаркаларда қатнашган 6872 нафар фуқаролардан 4913 нафарини ёшлар ташкил этди. Иш сўраб мурожаат қилган 3078 кишидан 2831 нафари ишга жойлаштирилди, 987 нафари касбий таълимга, 265 нафари жамоат ишларига жалб қилинди.

Йил давомида Марказ томонидан жами 774 нафар иш берувчилар қайд қилиниб, 2403 нафар фуқаро бир марталик ишларни бажариш бўйича жалб қилинди. Марказга ҳар куни бир марталик ишларни бажариш мақсадида 45-50 нафар фуқаролар рўйхатга олинмоқда.

Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш Марказига асосан бошқа туманлардан, хусусан, Жондор, Бухоро, Пешку. Шофиркон ва Ғиждувондан вақтинчалик иш билан банд бўлмаган фуқаролар келиб қатнашмоқда. Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш Марказига қатнашаётган фуқароларни доимий равишда иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилда марказ ҳудудида уч марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ушбу ярмаркаларда 374 нафар фуқаролар жалб қилинди, шулардан 167 нафари бир марталик иш изловчи фуқаролардир. Ярмаркада жалб қилинганлардан 164 нафари ишга жойлаштирилди, 23 нафари бир марталик ишга юборилди ва фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Юртбошимиз томонидан 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан маҳаллаларни ободонлаштириш мақсадида банд бўлмаган аҳолини вақтинчалик жамоат ишларига жалб қилмоқдамиз. Вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш ҳар бир қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича «Бандлик» дастурлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Айни кунларда жойлардаги меҳнат бўлимлари, маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритиб, ўтган йилларга нисбатан аҳолини иш билан таъминлаш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу хайрли ишда маҳалла оқсоқоллари ҳам бизга энг яқин кўмакдош бўлмоқдалар.

**Соҳиб ШУКУРОВ,**
**Бухоро вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

*Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!*

***Избоскан Андижон вилоятининг йирик туманларидан бири бўлиб, пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва полизчилик билан шуғулланади. Туман ҳудудининг қоқ ўртасидан катта Фарғона канали кесиб ўтади.***

## ҚАДРИНГ БАЛАНД, ҚАДДИНГ БАЛАНД!

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлидан бораётган избосканликлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда қувончли ютуқларга эришдилар. Андижон технологиясини биринчилар қаторида жорий этиб, деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Ўтган йили 9219 гектар майдонда ғўза ўстирган пахтакорлар ялпи ҳосилни 35 минг 608 тоннага етказдилар.

Туманнинг 31 та катта-кичик қишлоқларида 150 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Туман ҳокимлиги ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича тузилган ҳамкорлик келишуви бажарилиши қатъий назоратда турибди.

– Бозор иқтисоди шароитида фуқаролар тўғрисида меҳрибонлик, улар учун зарур меҳнат шароитларини яратиш, соғлиқларини тиклаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, иш сифатини яхшилаш борасида бир мунча ишлар қилинмоқда, - дейди тармоқ касаба уюшма туман қўмитаси раиси Абдуллажон Комилов. — Қўмита таркибида 28 та бошланғич ташкилот бўлиб, 23 минг 298 нафар аъзони бирлаштирган. Мавжуд 16 та ширкат хўжаликлари, 3 та ҳиссадорлик жамияти, 7 та корхона ва ташкилот, 2 та ўқув юртларида жамоа шартномалари тузилган. Шартномаларда меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш ва кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий муаммоларни ечиш, меҳнатни рағбатлантириш, ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, иш соатларини қисқартириш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, кам даромадли оилаларга пенсия, нафақа ва бошқа имтиёзларни хўжалик, корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан кўпайтириш масалалари ўз ифодасини топган.

Қўмитанинг раёсат йиғилишларида соғлом хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишини назорат қилиш, касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқ, меҳнат ва техника хавфсизлиги вазифаларининг ижроси ва бошқа масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Масалан, Пойтуғ пахта тозалаш корхонасида ойлик маошдан қарздорлик бор эди. Дарҳол корхонада раёсат йиғилиши чақирилди. Масала чуқур ўрганилиб, маъмурият олдига Меҳнат Кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қатъий талабнома қўйилди. Натижада ишчиларнинг маошлари вақтида тўланиши таъминланди.

Туманда аҳолининг ҳимояга муҳтож табақаларига ёрдам кўрсатилмоқда. Биргина ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга 35 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Обод маҳалла йили муносабати билан касаба уюшмалари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирган. Маҳалла гузарларини ободонлаштириш, аҳолига маданий-маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ва бошқа юмушлар шулар жумласидандир.

Айни кунларда туманнинг ширкат, деҳқон-фермер хўжаликларида бўлғуси мўл ҳосилга пухта замин яратиляпти.

**И.ИСОМИДДИНОВ.**

*«Ишонч» фош этади*

***Инсон табиати қизиқ. Турли тасодифларнинг юзага келишига аввало ўзи сабабчи. Қолаверса, кўнгилсизликларнинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони асосида жойларда улуғвор ишлар амалга оширилаётир. Буни бизнинг вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.***

## ҚИШЛОҚ ҲУСНИДАГИ ДОҒЛАР

Қаршидан Нишон тумани ҳудудига бораверишда Қарши бош каналидан ўтишингиз билан салобатли бино эътиборингизни тортади. Тадбиркор Озод Умиров ташаббуси билан қайта таъмирланиб, сайқалланган «Юлдуз» чойхонаси ёшу қарининг севимли масканига айланган. Чойхона қишлоқ оқшомлари файзли ўтишида муносиб рол ўйнамоқда. Айниқса, баҳор ва ёз кезлари ён-атроф гулларга бурканади.

Бахтга қарши, чойхона рўпарасидаги қўрғончага қадам ранжида қилишингиз билан юқорида қайд этилган манзаранинг тамоман аксини кўрасиз. Бир пайтлар кишини ўзига тортадиган дов-дарахтлар, хиёбонлардан асар қолмаган. Қиркдан ортиқ хонадон истиқомат қиладиган қўрғончада ҳанузгача тоза ичимлик суви муаммолигича қолмоқда. Одамлар яхши сувга эга бўлиш учун катта йўлни кесиб ўтиб, оби ҳаёт келтиришга мажбур бўлишяпти. Болакайлар бетон билан эшак аравада сув ташийвериб, безиллаб қолишган. Қачон қишлоққа водопровод қувурлари тортилади-ю, улар бу қийинчиликдан қутилишади.

Қўрғонча аҳолиси маданий-маиший, савдо, этикдўзлик, бичиш-тикиш ишларини бажариш учун туман маркази - Янги Нишон ёки Қарши шаҳрига боришга мажбур бўлишяпти. Мутасадди раҳбарлар яқин вақт ичида қўрғонча одамларидан ҳол-аҳвол сўраганини ҳеч ким эсломайди. Болалар боғчаси, мактаблардаги шароит ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Қўрғончадаги ички йўллар уйдим-чуқур бўлиб ётибди. Ишсизлар ҳам етарли. Телефон алоқаси ишламайди. Яхшигина савдо хизмати кўрсатиб турган бино ҳам кимларгадир сотиб юборилди. Энди харид учун туман марказига боришга тўғри келади. Мўмоларнинг таъкидлашларича, электр тармоқлари суткасига нари борса беш-олти соат ишлайди. Қиш палласида эл дастурхонини тўкин-сочин қилиб турадиган иссиқхона ва унинг қозонхонаси талон-тарож қилинганига нима дейсиз? Номигагина ишлаб турган тиббиёт хонаси аҳоли талабини тўла қондиролмаяпти.

Нишондаги Навбаҳор маҳалласида кўзга ташланадиган камчиликлар газетамизнинг ўтган йилги сонларидан бирида «Меҳмон нега ранжиди?» сарлавҳали танқидий мақолада очиб ташланган эди. Матбуотнинг қатъий ва адолатли сўзидан кейин ҳам бирон-бир ўзгариш сезилмади. Ушбу мақолада маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исматуллаев ишончни оқламаганлиги, фуқаролар йиғини раисини сайлашда қонун талаблари бузилганлиги хусусида анчайин сўз юритилган бўлса-да, туман ҳокимиятидагилар бу ҳақда лом-мим дейишмади. Таҳририятга номигагина, расмиятчилик учун жавоб юборилди. Орадан бир йил ўтгандан кейин кўрдикки, бу ерда иш олдинга босиш ўрнига орқага кетган.

Туман болалар истироҳат боғи ғарибгина бўлиб кўзга ташланади. Жажжиларнинг севимли маскани сувга ташна. Маҳалла оралаб юрсангиз, чиқиндилардан «тоғ»лар пайдо бўлганлигини кўриб, ёқа ушлайсиз. Симёғочлардаги электр чироқлари ёнмайди, симлар ташиб кетилган. Ҳақли савол туғилади: нима сабабдан юқоридаги каби камчиликларни кўра-била туриб, туман раҳбарияти лом-мим демай келаётир? Ҳар ҳолда одамларнинг бу йилги баҳордан, Наврўздан умидлари катта. Шоят, улар ҳам кўплар қатори тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишса, кўчалар тозаланиб, ободонлаштирилиб, кўркам бир гўшага айлантирилса.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

**_Икки йил аввал маҳаллаларда сурункасига содир этилган ноқонуний ҳаракатлар нафақат фуқаролар йиғинидагиларни, балки туман ҳуқуқ-тартибот идораларидагиларни ҳам ташвишга солиб қўйди. Маълум бўлишича, эътиборнинг сусайганлиги туфайли ана шу жойларда турли шаҳарлардан келган айрим кишилар ёшларга салбий таъсирини ўтказаётган экан._**

## МАҲАЛЛА ПАСПОРТИ

*Ибрат*

Шу боис туман прокуратураси ва маҳалла фуқаролар йиғинидаги фаоллар ҳамкорлигида тадбирлар ишлаб чиқилди. Ёшларни спортга жалб этиш, ўқув муассасаларида ҳуқуқий машғулотларни жонлантириш ва маҳалла паспортларини тузишга киришилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар фаолияти бўйича Низом» бу борадаги режаларимизнинг рўёбга чиқишида дастуриламал бўлди.

Олий маълумотли педагоглар, ташаббускор ёшлар ва обрў-эътиборли нафақахўрлар танлов асосида сараланиб, улар билан ўқув-машғулотлари ўтказилди ва режалар тушунтирилди. Эндиликда ана шу гуруҳ ҳамкорлигида барча маҳаллалар ва хонадонларнинг паспорти мавжуд. Бунинг афзаллиги шундаки, жиноятчиликка барҳам берилиши қаторида, қайси маҳалладан ёки хонадондан ким қаерда ва нима иш билан бандлигини зудликда билиб олиш мумкин.

Маҳалла ва хонадон паспортининг яна бир қулай жиҳати шундаки, бу жойларда истиқомат қилаётганлар орасида кам таъминланган, қарамоғида ҳеч кими йўқ ва боқувчисини йўқотганлар ҳол-аҳволи қандай кечаётганлиги ҳамда уларни моддий-маънавий қўллашнинг имкони туғилди. Масалан, кейинги тўрт ой оралиғида маҳаллаларда яшаб, вақтида пенсия ва нафақаларни ололмаётган 37 нафар кишига ҳамкорликдаги гуруҳнинг бевосита аралашуви билан нафақалар тегишли ташкилотлардан ундириб берилди.

Ана шу гуруҳнинг саъй-ҳаракати билан тумандаги 38 та мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида ҳуқуқий таълимни кучайтиришга эришилди, шунингдек, ўқувчиларни бўш вақтларида спортга йўналтириш ишларида ҳомийлик қилаяпмиз.

Хайрли ишни ҳар кун, ҳар ким қилиши керак, дегани бежиз эмас экан. Айниқса, жорий йил «Обод маҳалла йили»га бағишлангач, тумандаги 60 дан зиёд ташкилотлар ҳам маҳалла ва ўқув муассасаларига яқиндан кўмак бериб, турли тадбирларнинг мазмунли ўтишида, бу жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириб, намунали маҳалла, ўқув юртига айлантиришда керакли маблағни аямаяпти. Айни пайтда 14 та маҳалла, 12 та мактаб уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли замон талабига мослаштирилди.

Энг муҳими, ёшларнинг билиб-билмай жиноятчиликка қўл уриши сабаблари ҳам фаолларнинг ҳамкорликдаги назоратига олингач, тартиббузарлик ва дилхираликлар барҳам топди. Ҳозирги кунда маҳалла паспортининг афзалликлари вилоят миқёсида ўрганилиб бошқа туманларга ҳам жорий этилаяпти.

**М.КИМСАНБОЕВ,**
**Пахтаобод тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.**



## ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Нукус – Қорақалпоғистон Республикасидаги саноати, иқтисоди ривожланган шаҳарлардан бири бўлиб, бу ерда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Айни пайтда шаҳарда 44 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. «Обод маҳалла йили» шаҳар ички ишлар бўлими мутасаддилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Даставвал алоҳида йўриқномалар ишлаб чиқилиб, унга кўра шаҳар ички ишлар бўлими ҳисобидан 15 та таянч пункти қурилишига киришилди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деган гап бежиз эмас экан. Маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳар жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган бешта ана шундай маскан маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига топширилди.

Таянч пунктлари фақат тарғибот маркази бўлиб қолмасдан, соғломлаштириш масканига ҳам айланди. Бу ерда спорт иншоотлари, футбол, баскетбол. теннис майдончалари ҳам мавжуд. Ёшлар ўқиш ва меҳнатдан сўнг бўш вақтларида ўзлари қизиққан тўгаракларда шуғулланишмоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун ҳамда жиноятчиликларнинг олдини олиш мақсадида турли тадбирлар, мусобақа ва учрашувлар ўтказилмоқда. Бу ҳамкорлик қисқа фурсатда ўз самарасини берди. Масалан, ўтган йилнинг январ ойида ёшлар ўртасидаги жиноятчиликлар сони 32 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 28 тага камайди.

Таянч пунктларининг қолган 10 таси ҳам Наврўз байрамигача ишга туширилиши режалаштирилган. Айни пайтда бу жойларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

**Жуманиёз ОТЕНИЯЗОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ матбуот котиби.**

**_Хатлар. Инсон қалбининг шуури, дил изҳори, кўнгилларни кўнгилга боғловчи ришта — ҳаётнинг ёрқин ойнаси улар._**

## ТУРМУШИМИЗ ОЙНАСИ

Кейинги уч йилда таҳририятга йўлланган хатлар сони қарийб саккиз мингтага етди. Бу нимадан далолат? Аввало «Ишонч»га мухлисларнинг ишончи ортаётганлигидан ва яна «тўртинчи ҳокимият»нинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб, барча масалаларга дадил ва оқилона ёндошаётганлигидан, ислоҳотлар йўлидаги ғовларга мурососиз, ижтимоий ва долзарб масалаларни ҳал этишда одамларга яқин кўмакдош бўлаётганлигидандир.

Куннинг долзарб масалалари қаторида жамиятимизда тобора ўз ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаб, инсонлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишда уларга таянч ва мададкор бўлаётган касаба уюшмалари фаолиятига доир мактублар ҳам талай.

Бир мисол. Гурлан туманида истиқомат қилаётган Б.Беккелдиев ўз мактубида шундай деб ёзади.

«... Қадрли «тўртинчи ҳокимият» вакиллари. Бир неча йил оғир ва ўта зарарли меҳнатда ишлаб, соғлиғимни йўқотдим. Шундан сўнг кўп идора ва ташкилотларга, мутахассисларга учрашдим, лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Охири туман касаба уюшмаси мутасаддиларининг аралашуви билан амалдаги қонунларга кўра, ҳақ-ҳуқуқим тикланди. Айни пайтда яхшигина нафақа олаяпман».

Ҳамкасблар орасида – «Дил изҳори, юрак қийноғи, кўнгил мулки – ГАЗЕТА» деган гап юради. Таҳририят ходимларини эса тезкор гуруҳлар, дейишади.

Ана шу қалби дарё инсонлар саъй-ҳаракати туфайли ўтган йил уч мингга яқин хат мақола бўлиб, газета юзини кўрди ёки ўнлаб янги рукнлар сайқал топди. Шулар қаторида ечимини кутаётган айрим муаммоларга барҳам берилди.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганлари барибир рост экан. Элга, юртга иқтисодиётимизни жадаллашуви ҳамда ислоҳотларнинг барқарорлашувига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган жойлардаги жамоатчи мухбирларимиз қаторида, жамиятда бўлаётган ўзгаришларни кўролмасдан, ҳамон эскича яшаш сарқитларидан қутилолмаётган, янгиликларни тан олиш ўрнига ҳуда-беҳуда бировларнинг асоссиз гапи-ю, ўзга бармоқлардан фойдаланиб, тадбиркор, ишбилармон ва ташаббускор кишиларга тош отиб, ҳалал бераётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бундай мазмунда ёзилган мактублар ҳам тегишлича жавобини олаяпти.

Давр талаби билан ҳамнафас бўлиб яшашга нима етсин. Ана шундагина айтилган ҳар бир сўз ўз қадрини топади, одамларга фойдаси тегади.

*Таклиф*

## ТАЖРИБАЛАРДАН КЎПЧИЛИК МАНФААТ КЎРАДИ

Ўз юрти келажагини ўйлаган ҳар бир давлат аввало инсонларнинг турмуш-тарзига, яшаш шароитига бефарқ бўлмайди. Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар йили алоҳида тадбирлар белгиланаяпти. Жорий йилнинг ҳам «Обод маҳалла йили» деб аталиши бежиз эмас. Ўтказилаётган тадбирларнинг барчасида инсон манфаатлари устувор ва улар самараси зое кетмаяпти.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи «Ишонч»нинг доимий мухлиси сифатида таклиф билдирмоқчиман. Бу газета турли соҳаларни ўзида акс эттирганлиги ва ёритилаётган мавзуларнинг ранг-баранглиги билан ўқувчи қалбидан жой топа олаётганлигига шубҳа йўқ. Шу боис, Обод маҳалла йили муносабати билан республикамиздаги энг намунали маҳаллаларнинг иш тажрибалари ҳақида газета орқали ёритиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Қурбон ХУШВАҚТОВ,**
**Шаҳрисабз туманидаги «Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини котиби.**

## ХЎЖАЛИК ТАРИХИ

Шўролар замони элимизни тарихидан, маданияти ва маънавиятидан мосуво қилганди. Мустақиллик боис, топталган қадриятларимизни қайта тиклашга имкон яралди.

Хива туманидаги Рўзмат Мадаминов номли ширкат хўжалиги тасарруфида истиқомат қилаётган ўндан ортиқ миллат вакиллари нафақат қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда, балки, ўзи яшаётган қишлоғи, ўтмиш меросини тиклаб, ёшлар шуурига етказишда ҳам вилоятда алоҳида ўрин тутади.

Хўжаликнинг собиқ раҳбари (марҳум) Р.Мадаминов ташаббуси билан саксонинчи йилларда музей барпо этилганди. Кейинчалик ана шу музей тарихий экспонатлар билан қайта жиҳозланиб. янада бойитилди. Музей тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири турли даврларни ўз ичига олган. Масалан, қишлоқ хўжалиги бўлимида қадимги деҳқончилик асбоб-ускуналари, ерга ишлов бериш ва экин экишнинг ўзига хос усуллари аксини топган.

Ёки «Ўтмишсиз келажак бўлмайди» деб номланган бўлимда шу хўжалик тасарруфида жойлашган Саёт қишлоғида таваллуд топган Нажмиддин Кубро ва унинг шажараси ҳамда ширкатнинг ҳар жиҳатдан элга танилишида фидойилик кўрсатган инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, музейдаги энг асосий бўлимлардан бири – кутубхонадир. Айни пайтда бу ерда турли мавзуларни қамраб олган ўн мингдан зиёд китоблар мавжуд. Муҳими, кейинги йилларда ширкат тасарруфидаги мавжуд мактабларнинг ўқувчилари тарих, география каби дарслар қаторида ўзи яшаётган қишлоқ тарихини чуқур ўрганиш имконига ҳам эгадирлар.

**Сафаргул БОЛТАЕВА,**
**кутубхоначи.**

**_Кеч куз. Ғўзапоялар йиғиштирилаётган пайтлар эди. Чортоқ туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигининг Сотиболди Ҳайитов бошлиқ бригадасига йўлим тушганда газета ўқиётган бир гуруҳ кишиларни учратдим._**

*«Ишонч»нинг ҳақиқий мухлислари*

## ИШЛОВЧИ ВА ГАЗЕТА

– Бўш вақтимизда шу газетани ўқишни ёқтирамиз, - деди бригадир С.Ҳайитов – Бизни қизиқтирган мавзуларда ёзишади.

– Меҳнат қонунчилиги ва ижтимоий ҳимоя бўйича саволларимизга ҳам «Ишонч»дан жавоб топамиз, - иккинчи киши унга қўшимча қилди.

Мен газета обунаси билан қизиқдим. Қарангки, бу йил шу бригаданинг ўзидан икки нусхага обуна бўлишибди.

Дарҳақиқат, вилоятда «Ишонч» ихлосмандлари кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Ушбу нашрга обуна бўлиш олдингилар қаторида якунланганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган деярли барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари «Ишонч»га ёзилдилар. Газета дўконларида сотувга қўйилиши эса нашрнинг тағин ҳам оммалашувини, ихлосмандлари кўпайишини таъминламоқда.

– Газета касаба уюшмалари ҳаётининг ойнаси, унинг фаоллари учун тенгсиз кўмакдош, маслаҳатдош ва беминнат ёрдамчи, - дейди Тўрақўрғон туманидаги «Оқтош» пахта тозалаш корхонаси касаба уюшма ташкилотининг раиси Ҳабибулло Қосимов. – Ундан ўзимизни қизиқтирган кўп саволларга жавоб топамиз, илғор тажрибаларни ўрганамиз, фаолиятимизни такомиллаштирамиз.

Яширадиган жойи йўқ, обуна мавсумининг муваффақиятли ўтиши, кўзланган мақсадга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бинобарин, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, тармоқ қўмиталари бу борада катта ташкилотчилик қилишди.

– Биз обунани сентябр ойидан бошлашга одатланганмиз, - дейди шу мавзуда суҳбатлашганимизда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири Муҳаммаджон Эргашев. – Ҳар ҳафтанинг режалаштириш кунида обунанинг қандай бораётганлиги таҳлил этилади. Тармоқ қўмиталарининг ҳисоботи эшитилади. Мунтазам равишда тармоқ касаба уюшма қўмиталарида, тармоқ ва туман қўмиталари эса шаҳар ва туманларнинг бошланғич ташкилотлардан обунанинг қандай бораётганлиги юзасидан ахборотлар қабул қиладилар. Ахир «Ишонч» ўз нашримиз. Муносабат ҳам шунга яраша бўлиши керак-да!

Бўлим мудирининг гапларида жон бор. Наманган «Ишонч» обунаси бўйича мамлакатда етакчи вилоятлар сафидан жой олди. 2003 йил учун 2100 та обуна тўпландики, бу ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда сезиларли даражада кўпдир.

Мавсумнинг муваффақиятли ўтишида барча тармоқ қўмиталари астойдил жон куйдирдилар. Хусусан, алоқа, давлат муассасалари ва жамият хизмати, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмиталари фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, агросаноат ходимлари Косонсой, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Чуст туманлари, шунингдек, Косонсой туманидаги «Текмен», Уйчидаги ип йигирув-тикув корхоналари бошланғич касаба уюшма қўмиталари, юқорида тилга олинганидек, Чортоқ туманида Навоий номли ширкат хўжалигида ҳам жамоа аъзоларининг «Ишонч» билан мустаҳкам алоқаси таъминланди. Имонимиз комилки, бу ўзаро алоқа амалда, кундалик фаолиятда яна ҳам мустаҳкамланиб, касаба уюшма ҳаётининг бундан-да кенгроқ ёритилишига имкон яратади.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## РАҲМАТ, ЁЛҒИЗЛАТИБ ҚЎЙИШМАДИ

*Миннатдорчилик*

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш ва ердан унумли фойдаланиш масаласи ислоҳотлар қўяётган талаблардан бири. Шу боис ўзим ногирон бўлсам-да, оиладаги имкониятларни ўрганиб чиқиб, фарзандларим билан маслаҳатлашиб, хўжаликдан ер олиб деҳқончилик қилишга, дориломон кунлар ривожига ҳисса қўшишга аҳд қилдик. Шахсий техникаларимиз, оилада ишчи кучи етарли бўлишига қарамай негадир ширкатнинг собиқ раҳбари талабимизни қондириш ўрнига, «бугун, эрта» деб ишни пайсалга солиб келди. Тегишли ташкилотлар ҳам бу масалада жўяли бир фикр айтишмади.

Шундан сўнг меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи «Ишонч» газетасига хат билан мурожаат қилдим. «Тўртинчи ҳокимият»нинг жонкуяр вакиллари қишлоғимизга келиб яшаш шароитимизни, оиладаги ишчи кучини ўрганиб, ширкатдаги лалми экин майдонидан ер олишимизга, ҳақли талабимизни «Ер тўғрисида»ги ва «Деҳқон-фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлар асосида ҳал этишга кўмаклашди.

Орадан йил ўтди. Ўтган мавсумда ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олиб, ширкатда биринчилар қаторида давлатга дон ва пахта сотиш режасини уддаладик. Оиламиздагилар қаторида яна 5 нафар кишини иш билан таъминладик. Сарҳисобда меҳнат ҳақига қўшимча даромад оладиган бўлдик.

Сирасини айтганда, таҳририят аъзоларининг ҳар бир хат изида инсон тақдири ётганлигини жиддий ҳис этиши ва ўз соҳасининг фидойилигидан мамнун бўлдим. Ҳозирги вақтда ширкатнинг янги раҳбарлари ишимизнинг янада ривож топишига яқиндан ёрдам беришаяпти.

Ўғит, ёқилғи ва бошқа масалаларда ҳам улар кўмагига муҳтожмиз. Насиб этса, жорий йилда яна бешта янги ишчи ўринларини барпо этиш ниятимиз бор.

**Ш.НОРБОЕВ,**
**Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги.**

## КЎНГЛИМ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Ҳуқуқий демократик давлатда яшаяпмиз. Мамлакатимизда фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор берилаяпти.

«Ишонч» газетаси таҳририятига туманимиздаги Қарангул қишлоғида яшовчи Турсунпўлат Қўйлиев ва Шермурод Аҳатовлар томонидан шикоят хати тушган, унда Кўкабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги Чангак маҳалла қўмитаси котиби Шерали Бозоровнинг кам таъминланган оилалар ва ёш болалар учун ажратилган маблағларни ўзининг таниш-билишларига тарқатаётганлиги қораланган эди.

Қиш куни бўлишига қарамасдан газета махсус мухбири тоғ довонлари оралаб шикоят мактубини ўрганишга келди. Қишлоқдаги ҳақиқий аҳвол билан танишди. Туман молия бўлими тафтишчиси Дўстқобил Раззоқов ҳамроҳлигида тегишли ҳужжатларни пухта ўрганди. Оқсоқоллар билан обдон суҳбатлашди.

Ҳақиқат тантана қилди. Хат муаллифлари Т.Қуйлиев ва Ш.Аҳатовлар мактубни ўзлари ёзмаганликлари, кимдир улар номидан таҳририятга қалбаки шикоят йўллаганлигини тан олиб тушунтириш хати ёзиб бердилар.

Текширишлар якуни бўйича «Сувни лойқалаган ким? Ёки бировлар номидан шикоят ёзаётганлар хусусида» танқидий материал ёритилди.

Бировлар номидан қалбаки шикоятлар ёзиб таҳририятни ва одамларни чалғитаётган ғаразгўйларни фош этганлиги учун «Ишонч»дан миннатдормиз.

**Ғайрат МУСТАФОЕВ,**
**Қамаши тумани Чангак маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## ЗАРГАР ЗАРНИ БИЛМАСА...

*Луқма*

Жанубий вокзал бекати орқали ҳар куни минглаб кишилар шаҳар марказига ишга, ўқишга йўл олишади. Боз устига, Сирдарё ва Тошкент вилоятининг кўпгина туманларидан келаётган одамлар ҳам электропоезддан тушиб, шу бекат орқали ўз манзиллари сари ошиқишади. Шунга қарамай, ана шу бекатдан Мустақиллик майдони ёки Амир Темур хиёбони йўналиши бўйича бирорта қатнов жорий этилмаган. Илгарилари автобуслардан ташқари 28, 26, 7-йўналишлари бўйича трамвайлар қатнаб, одамлар манзилини енгиллатишда беминнат хизмат кўрсатар эди. Кўприк қурилиши сабабли бу трамвайлар ҳам, унинг йўллари ҳам олиб ташланди.

Тўғри, Жанубий вокзал бекати орқали ўтадиган Сирғали ва Эркин йўналишларида қатновчи 57, 58, 38-маршрутлари тўхтовсиз қатнаб турибди. Бироқ бу манзиллардан келаётган автобуслар ҳамиша тирбанд. Бекатда 100 нафар одам турган бўлса, зўрға 20-30 нафари автобусга илашади. Хўш, қолганлар-чи, улар нима қилиши керак? Таксида қатнашга чўнтак ҳар доим ҳам бардош беролмайди. Бунинг устига, автобус кутиб турганлар орасида ногиронлар, ёш болалар бўлиши ҳам турган гап.

Бекатда икки хил манзарани кузатиш мумкин. Масалан, Мустақиллик майдони ва Амир Темур хиёбони йўналишидаги автобусга амаллаб чиқиб олишни орзиқаётган киши бир пайтнинг ўзида Чилонзор йўналиши бўйича қатновчи ўнлаб машрутлар деярли бўш ёки белгиланганидан-да кам одам билан қатнаётганлигини кўриб ҳайратланмайди, деб ўйлайсизми?

Халқимизда зар қадрини заргар билади, деган гап бор. Ачинарлиси, бу ерда бўлаётган автобус машмашасини на мутасадди ташкилотлар ва на «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасидагилар билишади. Лекин муаммони ҳал қилишга ҳеч ким бош қўшмаяпти. Нега?

**А.ҚОДИРОВ, йўловчи.**

**_Инсонни қадрлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш мустақил юртимиз Конституциясида белгиланган устувор йўналишлардан бири. Аммо Қонунлар моҳиятини одамлар онги-шуурига сингдиришда ҳамон собитқадамлик етишмаяпти._**

## «ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ»ГА МУРОЖААТ

### ёки мужмал жавобдан ким ҳам қониқарди

Масалан, Бойсун туманида истиқомат қилувчи Р.Эшонқулова таҳририятга хат йўллаб, унда болаликдан ногиронлиги, 4 нафар фарзанди борлиги, 2001 йил Қизириқ туманлараро тиббий меҳнат эксперт комиссияси мутахассислари томонидан қайта кўрикдан ўтказилганда ногиронлик гуруҳи белгиланишга асос йўқ, деб топилганлигини қайд этиб, ёрдам беришни сўрайди ҳамда ана шу соҳа мутасаддиларининг айримлари қилаётган ишлар қонун доирасидан чиқиб бораётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Амалдаги қонунларга кўра, муаллифнинг хати чуқур ўрганилиб, ҳал этилиши учун тегишли ташкилотнинг ҳукмига ҳавола этилганди. Аммо таҳририятга шу хат юзасидан йўлланган жавоб...

Гап шундаки, муаллиф туманлараро тиббий меҳнат эксперт комиссияси хулосасидан қаноатланмагач, шу ташкилотнинг вилоят бошқармасига мурожаат этади. Лекин бу жойдаги мутахассислар ҳам масала юзасидан аниқ ва жўяли фикрини айтишмайди. Ваҳоланки, ишни шу жойнинг ўзида ҳал этиб, ноаниқликларга барҳам бериш ўша ташкилот мутасаддиларининг вазифаси эди.

Натижада бир киши қолиб, юқори ташкилотларнинг ҳам айни шу хат юзасидан сарсон-саргардон бўлишаётганлиги, энг муҳими, қимматли вақти бекорга сарфланаётганлигини вилоятдаги мутахассислар наҳотки билишмаса?

Энди таҳририятга берилган жавоб хатидан айрим сатрларни ҳукмингизга ҳавола этамиз: «... Р.Эшонқулованинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ногиронлик гуруҳини тиклашни сўраб ёзган аризаси ўрганиб чиқилиб, унга ўрнатилган тартибда ТМЭКга мурожаат қилиши мумкинлиги тавсия этилган, аммо у шу кунга қадар ТМЭКга бормаган.

«Ишонч» газетаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ёзган шикоят хатига биноан жорий йилнинг 8 январида вилоят марказий ТМЭК мутахассислари, Қизириқ туманлараро ТМЭК раиси ва Бойсун туман тиббий-маслаҳат комиссияси раиси ҳамкорлигида Р.Эшонқулова уйида йўқлиги учун унинг турмуш ўртоғига барча тиббий ҳужжатлар ва йўлланма билан ТМЭКга мурожаат қилиш тушунтирилди».

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Бироқ таҳлил этилганда хат муаллифи ТМЭКдаги айрим мутасаддилар устидан арз қилмаяптими? Шундай экан, уни чуқур ўрганиб, юзага келган муаммони бартараф этиш ўрнига, бу юмушни яна уларнинг ўзига қолдирлиши муаллифнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмайдими? Ёки вилоят ва туман босқичида ҳал этилиши лозим бўлган иш ўша жойдаги айрим мутахассислар бепарволиги туфайли ниҳоясига етмаса, боз устига бу иш яна улар ҳукмига ҳавола этилса, яна қанчадан-қанча ташкилотлар овораю-сарсон бўлмайдими?

Таассуфки, ана шундай мужмал жавоблар ҳали-ҳануз учраб туради.

**Саҳифани «Ишонч» мухбири Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади.**

*Мозийга назар*

# ИККИ ДЎСТ

## Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро муносабатлари

***Башарият тафаккурининг чўққиларидан бири бўлган Низомиддин Мир Алишер Навоий улуғ шоир, ёзувчи, тарихчи, жамиятшунос, файласуф, адабиётшунос, тилшунос, диншунос, таржимашунос ва олим бўлиши билан биргаликда замонасининг кўзга кўринган пешқадам жамоат арбоби, сиёсатчиси, ватанпарвар, халқчил киши си эди. Навоийнинг серфазилатлигини яхши билган Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни қўлга киритиши биланоқ (1469 й.) дўсти, аниси, дамсози улуғ Алишерни давлат ишларига катта ишонч билан чақирган. Ўша давр замондошлари Давлатшоҳ, Мирхонд, Хондамир, Жомий, Бобур, Васифий, Мирҳайдар ва Содиқийларнинг бир овоздан хабар беришича, Навоий билан Султон Ҳусайн ораларидаги дўстона муносабатлар ҳаётларининг охиригача хира тортмаган.***

Афсуски, шундай ишончли маъхазларни четлаб ўтиб, «совет тузуми» деб аталадиган даврда, бу улуғ шахсиятлар орасидаги самимий муносабатлар бутунлай бузиб, ғоявий мафкура занжирига ўраб ташланган эди. Навоийни салкам инқилобчи қилиб кўрсатиш, уни сўфизм таълимотига ҳеч қандай алоқаси йўқ деб талқин этишлар, унинг дин мусаффолиги йўлидаги танқидий қарашларига атеизм тамғасини ёпиштириш, ёҳуд шоирни атайлаб бечораҳол, камбағал киши сифатида ифода этилиши кабилар бутунлай ғайриилмийдир.

Энг аввало, Навоийнинг ижтимоий шароитини ўйлаганда, унинг Султон Ҳусайн Бойқаро билан биргаликда (1457 йилга қадар) Абулқосим Бобур Мирзо саройида тарбият топганлигини унутмаслик керак. Ўша кезларда Алишернинг отаси Сабзаворнинг ҳокими, онаси сарой энагаси, икки тоғаси Қобулий ва Ғарибийлар эса саройнинг катта лавозимларида ишлаб турган. Хондамирнинг маълумот беришича, Навоийга отасидан мерос тариқасида қолган ерлар 4 жойда мавжуд бўлиб, унинг қарамоғида 500 дан ортиқ киши хизматда турган. Тарихий хроник асар муаллифи Чофизорий ва Мирзо Ҳайдар дўғлатнинг «Тарихи Рашидий» асарида келтирилган маълумотларда унинг ерларидан олинадиган бир кунлик фойда 18 минг «шоҳруҳий»га тенг бўлган. Шарқшунос Бартольднинг ҳисоблашича, бир «шоҳруҳий» «кепеки динор»га солиштириладиган бўлса, ҳар куни у 9 минг динор атрофида фойда олиб, ойига 270 минг тилло пулга эга бўлган. Шу жиҳатдан ҳам давлатнинг энг олий поясини эгаллаб турган Навоий, Бобурнинг айтишига қараганда, подшоликдан «ойлик» - «маош» олиш ўрнига давлат хазинасига катта «иона» ва «эҳсон»лар қилиб турган.

Тўғри, Абусаид тахтга минган чоғларда Навоийлар оиласини қаттиқ тафтиш қилиш, унинг отасидан қолган ер, сув ва бошқа мулкларни мусодара қилиш амалга оширилган эди. Ҳатто шоирнинг икки тоғаси ҳам «давлат жиноятчи»си сифатида дорга торттирилган эди. Ана шундай қисматларни бошидан кечирган бўлса ҳам Навоийни ғарибу-ғуроболик, ёлғизлик, етишмовчилик машаққатини тортган деб бўлмас эди. Чунки унинг орқасида шоирни молиявий жиҳатдан қўллаб турадиган замонасининг энг улуғ кишилари Жомий, Хожа Аҳрор, Хожа Афзал, Фазулиллоҳ Абулайси, Аҳмад Ҳожибек каби йирик шахслар турган. Масалан, Абусаиднинг жаҳдидан чўчиган Абдураҳмон Жомий Навоийни сақлаб қолиш учун Хожа Аҳрорга махсус мурожаат қилиб, уни 1466 йилда Самарқандга ўқишга юборишга эришган. Аҳмад Ҳожибекдек бой-бадавлат амирзода ҳам Самарқандда Навоийнинг хизматида турган. Шулардан келиб чиқиб, Навоийга тангдастлик тортган, йўқсиллик азобини бошидан кечирган шахс сифатида қараш ҳақиқатга хилофдир.

Албатта, бу ўринда Султон Ҳусайн гарчанд Ҳиротни эгаллаш дағдағаси билан Журжон ва Хоразм атрофларида изғиб юрган бўлса ҳам, жонажон дўсти ва аниси Алишернинг ҳол-аҳволидан хабарсиз яшамаган. Чунки ҳар иккалалари ҳам Абусаиддан зулм тортган, уни орадан кўтаришга бел боғлаган ҳамфикр кишилар эди. Шу боисдан ҳам у Ҳиротни забт этиши билан биринчи навбатда Навоийни давлат ишларига хизматга чорлаган.

Навоийнинг Журжонга ҳоким сифатида хизматга тайинланишини Маждуддиннинг саъй-ҳаракатига боғлаб, «сургун» деб баҳоланиши бугунги кунда эскирган. Гап шундаки, шоирнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги синчков идора тутумлари унинг «Вақфия», «Муншоат», «Маҳбубул қулуб» каби асарларида ҳам қисман ўз аксини топган. Иккинчидан, шоирни яхши билган Мирза Ҳайдар дўғлат, Зайниддин Восифий, Хондамир ва кейинроқ шоирга чуқур баҳо берган Бобурнинг фикрларига суяниб, унинг табиати ғоят мураккаб бўлганлигини билса бўлади. Шундай бўлгач, сарой атрофида ўзаро зиддиятларнинг бозори қизиши табиий бир ҳолдир. «Бобурнома»да таъкидланишича, Биноийдек таниқли шоир ҳам девонда ишлаёлмай, Навоийни тарк этиб, Мозандарон ҳокими Бойсунқур Мирзо қошига хизматга кетган. Шунингдек, Бобур Маждуддиннинг «соҳиб девонлик» маснадидан парвоначидек паст ишга туширилишини ҳам тўғридан-тўғри Навоий тарафкашлигидаги бир қанча амалдорларнинг қутқуси деб тушунтирган.

Хондамирнинг «Хулосатул ахбор» асарида айтилишича, Маждуддин ҳам ғоят даражада золим, қўпол, қўрс, оғзидан фаҳш-ҳақоратлар ёғиладиган амалдор бўлган. Табиатан нозик бўлган Навоий, шикоятчи-аризагўйларнинг ишларини кўриб чиқиб, шубҳасиз, Маждуддин билан кўп тўқнаш келган. Кейинчалик бу шикоятлар жамланиб, подшо олдида фош этилган бўлса керакки, Маждуддин зудлик билан ишдан бўшатилган.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди, Алишер Навоий номли тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими.**
**(Давоми бор)**

*Футбол*

# ЕТТИ КУНДА БЕШТА ЎЙИН

## ОҒИРЛИК ҚИЛДИМИ?



Ҳар қандай халқаро турнирнинг нуфузи белгиланган мукофот миқдорига қараб баҳоланади. Тан олиш керак, МДҲ чемпионлари кубоги учун анъанавий мусобақанинг иккинчи даражали турнир мақомидан юқори кўтарилмаётганлигига ҳам бир чети мукофот жамғармасининг паст эканлиги сабаб десак янглишмаган бўламиз. Қолаверса, унинг мавсумга тайёргарлик эндигина бошланган кезларда ўтказилиши футболчиларга бор маҳоратларини намойиш этиш имкониятини бермайди.

Шунга қарамай, Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» кўрсатган ўйин савиясидан рози бўлсак арзийди. Етти кун ичида бешта учрашув ўтказган жамоа бирон марта мағлубиятга учрамади. Икки бор ғалаба қозониб, учта баҳсни дуранг билан якунлади. Айниқса, Украинанинг «Шахтёр» ва Латвиянинг «Сконто» клубларига қарши кечган ўйин футбол мухлисларини бефарқ қолдирмади. Драматик ҳолатларга бой бўлган биринчи учрашувда вакилларимиз сўнгги дақиқалардаги шиддатли ҳужумлар эвазига ютуққа эришган бўлсалар, охирги – ярим финал баҳсида фақат пенальтилар сериясидаги хатолар оқибатида турнирни тарк этишга мажбур бўлдилар.

Етти кунда беш ўйин. Ҳар ҳолда, бу ҳар қандай жамоа учун кўплик қилади. Ушбу турнирда энг ёш таркибга эга бўлган «Пахтакор» ҳам тиғиз календарга дош беролмади. Буни, айниқса, сўнгги учрашувда ҳимоячилар ва дарвозабонимизнинг ҳаракатларидаги палапартишлик очиқ ошкор қилиб қўйди. Айтиш мумкинки, «Сконто» ушбу баҳсда бор-йўғи икки ҳолатда гол уриш учун қулай вазиятга чиқди ва ҳар иккисидан унумли фойдаланиб, дурангга эришди. Пенальтилар сериясида эса болтиқбўйилик футболчилар ўзларини анча хотиржам тутдилар. Ашурматов, Кошелев ва Нестерев (ажабо, дарвозабондан бошқа одам йўқмиди?), афсуски, масъулиятли паллада бўлса бўлар, бўлмаса бўлмас қабилида иш тутдилар. Ким билади, юқорида айтганимиздек, эҳтимол чарчоқ панд бергандир?

Албатта, мағлубият ҳамиша аламли. Лекин, бундай ўйлаб қаралса, мағлубият ҳам натижа. Демак, қаердадир хатога йўл қўйилган, нимадир эътибордан четда қолган. «Пахтакор» учун эса айнан шу сабоқ, айниқса, шу кезларда керак. Олдинда қатор масъулиятли мусобақалар турибди. Шу боис ҳам Осиё чемпионлари баҳси арафасида Москва турнири айни муддао бўлди. Таниқли футболчи, Россия терма жамоаси ўйинчиси Егорь Титовнинг «ҳаммадан ҳам «Пахтакор» турнир ғолиблигига ҳақли эди» деган сўзлари, назаримизда, тошкентликларга берилган энг холис баҳодир.

Балки «Пахтакор» футболчилари бу тилакни Осиё чемпионлари турнирида рўёбга чиқаришмоқчидир? Қанийди, шундай бўлса!

**З.РИХСИЕВ.**

*Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонасида*



# ИЖОДКОРЛИК РУҲИ

## Очерк

Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси раҳбари Роберт Альмеев ўқимишли, янгиликга ўч киши. Китобхонлигига қойил қоласиз. Янги чиққан роман ёки шеърий тўпламларни ҳаммадан олдин топиб, бир кечада ўқиб чиқмаса, кўнгли жойига тушмайди. Уйидаги кутубхонасини кўздан кечирсангиз, дид билан жавонларда териб қўйилган нодир китобларга маҳлиё бўласиз. Оиласида каттаю кичик китобхон. Шу боис бўлса керак, қизи Диляра айни пайтда санъатшунослик институти илмий ходими сифатида «Бухоро заргарлик маҳорати» мавзуида фан номзоди рисоласини ёқлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Рости, бу ажойиб оила сарвари Роберт Альмеевнинг раҳбарлик қобилияти айни музейшуносликда камол топди. У раҳбарлик қилаётган бугунги музей-қўриқхонани илгариги қиёфаси билан таққосласангиз, ўртада ер билан осмонча тафовут борлигига ишонч ҳосил қиласиз. 1998 йилдан республика аҳамиятидаги музейга айланган бу даргоҳда бугунги кунда Бухоронинг қадимий тарихи, моддий-маънавий бойликлари, авлоддан авлодга ўтиб, эъзозланиб келинаётган ўзига хос анъаналарини акс эттирувчи 90 мингдан ортиқ буюм сақланмоқда. Қадим воҳа тарихининг турли босқичларини кўрсатувчи археологик тўпламларда эса ҳатто, эрамизгача бўлган IV-III асрларга оид ҳар хил буюмларни ҳам кўриш мумкин.

Эътироф этиш лозимки, 56 нафар илмий ходим ва экскурсавод ишлаётган музей-қўриқхонада илмий муҳит тобора гуркираб ўсаяпти. Ходимлардан саккиз нафарининг докторлик ва номзодлик диссертациялари устида илмий иш олиб бораётганлиги фикримизнинг яққол далили бўла олади. Ишга ижодий ёндашиш ходимлар фазилатига айланган бу аҳил жамоада янгиликка интилиш одат тусига кирган.

– Музей-қўриқхонада замонавий ахборот тизимини вужудга келтириш бўйича лойиҳамизни АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, – дейди музей раҳбари қувонч билан. – Натижада ҳозирги замон электроника ускуналари билан жиҳозланган янги ахборот маркази ишга туширилди. Эндиликда биз интернет тармоғи ёрдамида жаҳон музейлари билан алоқада бўлиш, ўз навбатида, маданий меросимиз бойликларини, халқимиз ҳунармандчилигини, бебаҳо тарихий обидаларимиз кўркини кенг тарғиб қилиш йўли билан қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш имкониятига эгамиз. Ахборот ва маданият маркази АҚШнинг «Каунтерпат консорциум» жамғармаси кўмагида музейимизда «Ижтимоий шерикчилик», «Стратегик режалаштириш», «Кичик бизнес» мавзуларида семинарлар ўтказди. Шунингдек, Германия, Малайзия каби мамлакатлардаги ҳамкорлар билан ҳам янги лойиҳалар бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Албатта, бу ютуқларда музей раҳбарининг ҳиссаси катта бўлди. Ходимларга аввало унинг ўзи намуна бўлди. Музей мавзуида рисола яратиб, тарих фанлари номзодлигини ёқлаганидан сўнг ҳам ижодий изланишлардан тўхтамади. «Бухоро – музей шаҳар», «Бухоро тарихий ривоятлар ва далилларда» сингари ўттиздан ортиқ илмий асар ва мақолаларини эълон қилдирди. Шу боисдан айни пайтда бу ерда фаолият юритаётган турли илмий марказлар, масалан, «Нақшбандия тариқати» маркази томонидан ўтказилаётган анжуманлар, нашрга тайёрланаётган китоблар кўпчиликда катта таассурот уйғотмоқда. Шунингдек, таниқли олим Баҳодир Қозоқов раҳбарлигида ташкил этилган қадимий қўлёзмаларни ўрганиш илмий маркази ишлари ҳам диққатга сазовордир. Илмий марказ саъй-ҳаракатлари туфайли музейда сақланаётган 3454 та қадимий китоб ва тарихий ҳужжатлар Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари билан ҳамкорликда ўрганилмоқда. Ана шу нодир қўлёзмалар каталогларини яратиш бўйича эса Европа Иттифоқи билан шартнома тузилиб, лойиҳани амалга оширишда Англия ва германиялик олимлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Кейинги йилларда музей-қўриқхонада маданий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда мозийгоҳ ролини оширишга қаратилган қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Вилоятда халқ миллий ҳунармандчилигини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишга йўналтирилган «Умрбоқий мерос» дастурини амалга татбиқ этишда кўпгина нодавлат ва нотижорат ташкилотлар мададкор бўлишди. Музей раҳбарияти учун бу кенг кўламдаги ишларни амалга оширишда Президентимизнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

– Доноларимиз айтганларидек, дард билан яшаш одамни мард этади. Ўзи аслида ҳам шундай бўлиши шарт, негаки, мард одам дардсиз бўлмайди. Менга музейларимизни қандай қилиб одамларнинг севимли даргоҳига айлантириш нияти ором бермайди. Кейинги йилларда бу йўсинда анча ишларни амалга оширдик. Музейлар сони 20 тагача ошди. Пайкент музейини тайёр, Аркдаги музейимиз қаршисида эса янги, муҳташам музей биносини қуришни лойиҳалаштираяпмиз. Мақсадимиз зиёратчи ва томошабинлар сонини йилига 2,5-3 миллион нафарга етказиш, – дейди суҳбатдошимиз.

Интилганга толе ёр, деганларидек, музей маъмурияти ана шу эзгу ниятга етмоқ учун кенг жамоатчилик ёрдамига таяниб, ҳомий ташкилотлар саховатидан баҳраманд бўлиш чораларини кўрмоқда. Чунончи, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернининг Арк қўрғонини таъмирлаш борасидаги кўмаги катта аҳамиятга молик. Музей ва корхона маъмурияти ўртасидаги амалий ҳамкорлик бунёдкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Аминжон ШУКУРОВ.**

## ЖАМҒАРМА ЙЎЛЛАНМАСИ

Ўзбекистон ва Малазия ўртасида таълим тизими йўналишлари бўйича йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Ўзаро тажриба алмашиш мақсадида уюштирилаётган маърифий тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда.

Малазиянинг Мара ахборот технология университетида ташкил этилган малака ошириш ва иш тажрибаси билан танишишга доир курс машғулотлари ҳам бир гуруҳ Ўзбекистонлик иқтидорли ўқитувчи, докторант ва аспирант билим ва малакасини оширишда муҳим омил бўлди. Бундай машғулотлар бизнес бошқаруви, электр-муҳандислик, ахборот технологияси каби билимлар бўйича ташкил этилди. Бундан ташқари улар бакалавриат ва магистратура йўналишида мутахассислар тайёрлашга доир иш тажрибалари билан ҳам яқиндан танишдилар.

«Устоз» республика жамғармаси томонидан ўтказилган танловда ғолиб деб топилган совриндорлардан иборат бу мутахассисларнинг бу сафарини ташкил этишда Малазиянинг Ўзбекистондаги элчиси яқиндан бош қўшди.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ИСРОИЛ ОФТАЛМОЛОГЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Исроил "Телл-а-шомер" миллий офталмология марказининг етакчи офтолмолог жарроҳлари Дан Закс ва Эмануэл Швалблар ўн беш кун давомида Ўзбекистонда даволаш ишларини олиб боради.

Исроил мутахассисларига қулайлик яратиш учун Исроил ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Машав" халқаро ҳамкорлик маркази ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзига хос кўчма госпитал ташкил этишди. Жарроҳлар дастлабки амалиётларни Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ўтказишди.

Исроиллик мутахассислар катарактани олиб ташлаш ва сунъий гавҳар қўйиш бўйича ҳар куни ўн-ўн бешта операция ўтказишмоқда. Зарур дори-дармонлар, жарроҳлик ускуналари, жарроҳликдан кейинги зарур бўладиган дори-дармонларни исроиллик шифокорлар ўзлари билан олиб келишган.

Тошкентда ўтказиладиган Ўзбекистон офталмологлар семинаридан кейин Исроиллик мутахассисларнинг ташрифи ниҳоясига етади. Анжуманда улар турли кўз касалликларидан азоб чекаётган беморларни даволаш учун фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланишда Исроил тажрибасини сўзлаб беришади. Шу йил ёзда кўчма офталмологик шифохонанинг яна Ўзбекистонга келиши мўлжалланмоқда.





*Спорт — саломатлик, рекорд, шон-шуҳрат.*

*Оғриқ нуқталар*

# ЎСМИР ТАРБИЯСИ УНУТИЛГАН ЖОЙДА

## Ёки қўй ўғирлаган болалар

***Фарзанд аввало оилада, кейин мактабда вояга етади. Жамиятимизда баркамол, юксак маънавиятли, билимли ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.***

Кун бўйи кўчада санғиб юрган Александр нима қилишини билмай боши гаранг бўлди. Уйига борса ойиси Ольга Николаевна икки-уч улфатлари билан «яримта»ни майдалаб ўтиришибди. Бағритош она ўз қилмишидан хижолат тортиш ўрнига ўғлини «кўздан йўқол» деб қувиб юборди. Мактабга борай деса дарслар ҳам охирлаб қолган.

– Ҳозир бир иш қиламиз, - дея ҳаёлдан ўтказди ўсмир йигит. – Қўшнимизнинг хонадонида ҳеч ким йўқ. Қўраси тўла қўй. Кўзни шамғалат қилиб моллардан бирини имижимида бозорга олиб чиқамиз.

Шу тариқа эндигина ўн беш ёшни қаршилаган Александр Николаев қинғир ишга қўл урди. Лекин Нуристон шаҳарчаси ички ишлар бўлинмаси ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли қўлга олиниб, жиноятига яраша жазоланди.

Ўтган йили Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида вояга етмаганлар томонидан олтита жиноят содир этилди. Ўсмирларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оила, мактаб, маҳалла қўмиталари томонидан тарбиявий ишлар тўғри ташкил этилмаганлигини кўрсатиб турибди.

«Оқ олтин» фермерлар уюшмасида яшовчи, иш жойининг тайини йўқ Элмурод Тожиев ва Турғун Алибоевлар фуқаро Р.Эргашевнинг хонадонидан бозор нархи 75000 сўм турадиган иккита қўйни ўғирлашган. «Навбаҳор» хўжалигида яшовчи бекорчи Жасур Норов фуқаро Ч.Жўраевнинг 130000 сўмлик учта молини ўғирлаб кетаётганда қўлга тушди. Нишон қишлоғидан касб-ҳунар коллежи талабаси ўн олти ёшли Феруз Йўлдошев ва етти ёшли Элмурод Жумаев, У.Юсупов номли хўжалик ишчиси Мурод Бобоқулов, «Гулистон» қишлоғидан Фурқат номли ўрта мактаб ўқувчилари Фарҳод Хўжамуродов ва Камолиддин Номозовлар фуқароларнинг қўй-эчкилари, уй-рўзғор буюмларини ўғирлаб жиноят содир этганлар.

Ўсмирларнинг ғайри қонуний ҳаракатлари уларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури, маданияти пастлиги, амалдаги қонунларни пухта билмаслигини кўрсатди.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия прокуратура, ички ишлар бўлими, халқ суди, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқаролар йиғинлари, халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширмоқда.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мутасадди ташкилотлар билан бирга 2000-2005 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастурини тузиб чиққанмиз, - дейди туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия котиби Гулноз Йўлдошева.

Ташкилий ишлар самара бераяпти. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ўтган йилга қараганда тенг ярмига камайди. Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 400 нафар ногирон болаларга нафақа тайинланган. 24 нафар етим болалар ҳомий ташкилотларга биркитилган. «Меҳнат ярмаркалари»да вояга етмаганлардан 11 нафари ишга жойлаштирилди.

Бироқ жиноятларнинг учтаси, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўнтаси мактаб ўқувчилари томонидан содир этилганлиги ташвишли ҳолдир. Ёшлардан 30 нафари туман ички ишлар бўлимида ҳисобда туради. Ички ишлар бўлимига 184 нафар вояга етмаганлар келтирилган, олтита хонадон нотинч оила сифатида рўйхатга олинган.

Туман ҳокимлиги томонидан юзага келган вазият чуқур ўрганилиб ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш чоралари кўрилаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**


**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:** Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23-30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5